ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРНИ МОДУЛЛИ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА ЛОЙИҲАЛАШ – КУННИНГ ТАЛАБИ

Г.ИЗЕТАЕВА, М.ИБРАГИМОВ

В статье представлена методика работы профессорско-преподавательского состава территориальной структуры образования, поэтапное проектирование учебных занятий на основе модульной технологии и применение этой системы на практике с использованием нетрадиционных и интерактивных методов обучения.

This article comprises the methods of the teachers staff of the territorial structure education, staged projecting the teaching process on the basis of module technology and the use of this system in practice in combination with untraditional and interactive methods of teaching.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўтган 20 йиллик даврида мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида ўсиш суръатлари юқори бўлгани ҳаммамизга маълум. Мамлакат тараққиётининг “ўзбек модели” ўзининг ҳаётийлигини исботлади. Хусусан, фан ва таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш бўйича ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологиянинг жорий қилиниши ўқув жараёнини жадаллаштириб, самарадорлигининг ошишига асосий омил бўлмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалиётга татбиқ этишнинг якуний босқичи давом этмоқда. Бу босқичнинг ўтган даврида таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнида педагогик технология етарли қўлланмаётганлиги ҳам

аниқланди. Бу оқсоқликни бартараф этиш ва таълим-тарбия жараёнини янада жадаллаштириш мақсадида ҳалқ таълими, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида таълим жараёнини ҳудудимизга мос бўлган замонавий педагогик технология билан таъминлаш шу кунда бажариладиган долзарб вазифа бўлиб қолган.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1533-сонли Қарорининг чиқиши таълим жараёнига миллий педагогик технологияни янада кенгроқ татбиқ қилишни тақозо этади. Қарорнинг "Юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи"нинг 7-бандида "Замонавий педагогик ва ахборот-комуникацион технологияларни татбиқ этиш ҳисобига таълим жараёни сифатини яхшилаш" [2] лозимлиги таъкидланган. Қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар жамоасининг ҳудудимизга мос бўлган замонавий педагогик технология тамойилларини тўғри талқин қилган ҳолда ўзлари ўқитаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларининг босқичма-босқич лойиҳасини модулли технология асосида тузиб чиқиши талаб этилади.

Бунинг учун, Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази илмий ходимлари Республикамизнинг кўзга кўринган олимлари билан ҳамкорликда яратган педагогик технологиянинг ўзбек миллий модели мазмун ва моҳиятини тўлиқ ўзлаштириш лозим бўлади [2]. Мазкур педагогик технология, ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизимида муваффақиятли қўлланиб келаётган педагогик технология тамойилларидан оғишмаган ҳолда, мажмулар назариясининг барча қонуниятларидан келиб чиқиб, дидактиканинг тамойилларига тўлиқ суяниб туриб, республикамиз педагог ўқитувчиларига тушунарли тарзда яратилган.

Тарихга назар солсак, Ер юзида ўқитувчилик касби пайдо бўлиши билан, таълим-тарбия бериш усуллари ҳам шакллана бошлаган. Кишилик тарихида таълим-тарбия усуллари жуда кўп бўлиб, бугунга келиб уларнинг ичидан сараланиб, ҳаётда сақланиб қолганларининг энг умумий томонларини ҳисобга олган ҳолда уч тоифага ажратилмоқда.

Биринчи тоифадаги усуллар — "анъанавий усуллар" дейилиб, талаба-ёшларга билимларни "**етказиб бериш"** тамойилига асосланади. Уларга: "айтиб бериш", "кўрсатиб бериш", "намойиш", "маъруза тақдимоти", "савол-жавоб", "тўрт поғонали усул" ва бошқалар киради.

Иккинчи тоифадаги усуллар — ноанъанавий ёки "интерфаол усуллар" деб номланиб, **билим олувчиларни** билим эгаллашга "**фаоллаштириш"** тамойилига суянади. Уларга: "муаммоли дарс", "фикрий ҳужум", "ақлий ҳужум", "кичик гуруҳлар билан ишлаш", "давра суҳбати", "кластер усули", "қора қути", "бешинчиси ортиқча", "ишбоб ўйин", "ролли ўйин", "баҳс-мунозара", "қарама-қарши муносабат", "заковатли зукко", "зиг-заг", "чархпалак", "зинама-зина" ва бошқа кўпдан-кўп усуллар киради.

Учинчи тоифадаги усуллар — "илғор ёки замонавий усуллар" дейилиб, таълим-тарбия жараёнини **"жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш**" тамойилидан келиб чиқади. Уларга: "лойиҳалаш усули", "йўналтирилган матн" "программалаштириш", "модулли ўқитиш", "технологик харита усули" ва, ниҳоят, барча усулларнинг афзал томонларини ўзида мужассамлаштирган **"педагогик технология"** усули киради [2].

Бу уч тоифадаги усуллар тарихан таркиб топиб, вақт ўтиши билан такомиллашиб, ўз даврининг талабига жавоб берган. Юқорида номлари қайд этилган усулларни ("педагогик технологиядан" ташқари) амалда қўллаш давомида ижобий томонлари билан бир қаторда талай камчиликлари ва ноқулай томонлари ҳам мавжудлиги аниқланган.

Шунинг учун XX асрнинг II ярмидан кейин дунё педагог олимлари қаршисида инсоният кашф қилган барча педагогик усулларнинг ҳамма ижобий томонларини ўзида бирлаштира оладиган, шу билан бирга, ўқув жараёнини жадаллаштириб, самарадорлигини замон талаби даражасига етказиш ҳамда бу жараённи педагог маҳоратига боғлиқликдан халос этувчи ва амалиётда фойдаланиши осон бўлган педагогик усулни шакллантириш масаласи кўндаланг бўлиб қолган эди.

XX асрнинг охирги чорагига келиб бундай усулни АҚШ олимлари кашф қилиб, уни "**Таълим технологияси"** деб номладилар. Бу усулни барча ривожланган мамлакатларнинг педагог олимлари ўз ҳудудига мослаштириб, бири "Янги педагогик технология", иккинчиси "Илғор педагогик технология", яна бошқаси "Замонавий педагогик технология" деб номлай бошладилар.

ПЕДАГОГИКА

Педагогик технолгия ғояси бизнинг ҳудудга давлатимиз мустақилликка эришганидан кейин турли номлар билан кириб кела бошлади. Унинг назарий асосларини тўла бўлмаса ҳам ифода этувчи ўзбек тилидаги бир қатор рисола ва ўқув-услубий қўлланмалар пайдо бўлди. Педагогик технологиянинг ўзига яраша назарий асослари шаклланиб, баъзилар уни алоҳида фан сифатида ўқитиш керак деган фикрни ҳам билдирмоқдалар. Профессорлар М.Тожиев ва Б.Зиёмуҳаммедовларнинг фикрича, **“педагогик технология” педагогиканинг “методика” деган бўлимиинг ажралмас қисми бўлиб, таълим-тарбия жараёнини амалга оширишнинг технологиялашган усули(методи)дир[2].** Педагогик технология тамойиллари асосида ўқув жараёнининг лойиҳаси бир маротаба тўғри тузилса, ундан фойдаланган ҳолда ҳар қандай оддий, касбга энди кириб келаётган педагог ҳам қийналмай ўқув машғулотини **юқори даражада** амалга ошириши мумкин бўлади. Чунки педагогик технология асосида тузилган лойиҳага уни тузган олим ёки тажрибали методистнинг маҳорати ўтган бўлади. Шунинг учун ўқув машғулотларининг лойиҳалари педагогик технологиянинг назарий асосларини яхши билган ва тажрибага эга ҳамда маҳоратли педагоглар ёҳуд педагог олимлар томонидан тузилади.

Биз томонимиздан «Математик анализ» ва “Олий математика”[3] фани ўқув машғулотларининг лойиҳалари тузиб чиқилди ва республикамизнинг олий таълим муассасаларида тажрибасинов сифатида амалиётга жорий этилмоқда. Ўқув машғулотларининг лойиҳаларини тузишда педагогик технологиянинг миллий модели тамойилларига илмий асосда ёндашилди. Педагогик технология ўзининг илмий асосланган тамойиллари ва бажарилиши шарт бўлган муайян вазифаларига суянади. **Таълим-тарбия жараёнининг лойиҳаси тузилганда** ва **бу лойиҳани амалиётда қўллашда,** албатта, синергетиканинг “мажму ёндашув” тамойилига ва унинг қонун-қоидаларига доимо амал қилинади. Бунда ўқув фанини бир бутунликда “макромодул” деб қабул қилиб, унда бериладиган материалларнинг ҳажми ва мазмунидан келиб чиқиб, “катта”, “ўрта” ва “кичик” модулларга ажратилади ҳамда бу жараёнда иштирок этадиган барча элементларни – “мақсад ва мақсадчалар”, уларга ажратилган “вақт”**, “**билимлар тизими ва улар ичидаги таянч тушунчалар”, “дарс тури ва типи”, “педагогик услублар”, “ахборот технологиялари” ва “дидактик материаллар”ни ўзаро узвий боғлиқликда кўриб, ҳар бирининг қўлланиш жойлари аниқланиб, ўқув машғулотининг лойиҳасига белгилаб қўйилади.

Ўқув машғулотларини педагогик технология асосида амалга оширишда уларда иштирок этадиган элементларнинг ўзаро функционал боғлиқликда эканлигини кўрсатувчи етти элементдан иборат мажмуий бўлакларининг ўзаро бирлаштирилишини, ўқув фанининг ҳар бир дарсидаги педагогик жараённи замонавий таълим технологияси асосида амалга оширилишини педагогик технологиянинг модели деб номладик.

Муайян бир фаннинг битта ўқув машғулоти, яъни битта дарси, педагогик технология тили билан айтганда, битта ўрта модулни ифода этади. Унинг биринчи, асосий элементида, шу машғулотда бериладиган материалларни ҳажми ва мазмунига қараб кичик модулларга ажратиб, ҳар бирининг мақсади ва унга ажратилган вақт аниқлаб олинади. Иккинчи элементида ҳар бир кичик модулда бериладиган билимлар тизими ичидан таянч тушунчалар ажратиб олиниб, шу тушунчалар асосида назорат саволлари ва бу саволлар асосида тест ёки бошқа назорат шакллари тузилиши лозим. Учинчи элементида ҳар бир кичик модулда қўлланадиган дарс тури ва типи белгиланади. Тўртинчи элементида ҳар бир кичик модулда қўлланадиган педагогик услублар кўрсатилади. Бешинчи элементида ҳар бир кичик модулда фойдаланиладиган ахборот технологиялари кўрсатилади. Олтинчи элементида ҳар бир кичик модулда фойдаланиладиган дидактик материаллар тури ва жойларининг кўрсатилиши кўзда тутилган. Еттинчи элементида эса аввалги олтита элементида режалаштирилган мақсадлардан келиб чиқиб, шу мақсадларга эриш услублари ва воситалари кўрсатилган дарс сценарийси ифодаланган бўлади. Бунда ўқув жараёнида иштирок этадиган барча воситалар ўзаро синтезлашиб бир бутунликни, яъни дарс деган мажмуни ташкил қилади.

Ўқув фанининг машғулотлари **п**едагогик технологиянинг миллий модели асосида лойиҳаланса ва ўқув жараёнига татбиқ қилинса, ўзини педагог деб ҳисоблаган ва ўқув хонадаги талабаларни ўзига қарата оладиган ҳар қандай ўқитувчига дарсни камида **“яхши” ёки “аъло” даражада ўта олиш кафолати яратилади.**

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Т.: Ўзбекистон. 1997.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1533-сонли Қарори.

3. Тожиев М., Зиёмуҳаммадов Б. Миллий педагогик технологиянинг таълим-тарбия жараёнига татбиғи ва унинг ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрни. Монография.- Т.: Mumtoz so’z, 2010.- 214 б.

4. “Олий математика” фани ўқув машғулотларининг лойиҳалари (Педагогик технологиянинг ўзбек миллий моделининг амалиётга татбиғи). // Ўқув ва илмий-услубий қўлланма. Қучқаров М.У., Зулфиқоров И.М., Изетаева Г.К., Опаева Г.А. Т.: Tafakkur-bo’stoni.- 2011.- 160 б.

ЎзР ОЎМТВ ОЎМКҲТРМ,
Андижон давлат университети,
2013 йил 20 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Х.Ҳасанов)